

**РИЭИАТМ Жиззах филиали
БАЁН НОМАСИ**

«29 » август 2022 йил

№24

Жиззах шаҳри

Кун тартиби: Аутсорсинг хизмати тўғрисида

Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари
Д.Адилова, котиб Н.Мирзабекова, хисобчи

Катнашдилар: F.Файзуллаев, диет хамшира Б.Эргашева,
шифокор М.Расулов, бўлим мудири
Х.Кулматов,

Ушбу йиғилиш 140634 лот бўйича Аутсорсинг иссиқ овқат билан
таминлаш хизмати бўйича давлат харидларига куйилган элон буйича
26.08.2022 йил соат 16- 55да танлов булиб утди. Ушбу танловда “THE
BEST INDUSTRIAL” ХК ва “DE-FAKTO” ХК корхоналари иштирок
этди. Бу танловда энг яхши таклиф 69 500 000 сўм , ва юқори балл билан
“THE BEST INDUSTRIAL” ХК корхонаси 2 кун мухокамада бўлиб, хеч
қандай этироз бўлмаганлиги сабабли танлаб олинди.

Йиғилиш қатнашчилари:

Йиғилиш раиси:

Д.А.Адилова

Котиб:

Н.Мирзабекова

Диет хамшира:

Б.Эргашева

/ Бўлим мудири:

Х.Кулматов

Хисобчи:

F.Файзуллаев

Провизор:

М.Расулов



Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 18

«29» 08 2022 йил

Жиззах шаҳри

РИЭИАТМ Жиззах филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Мавланов О.Х** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан “THE BEST INDUSTRIAL” хусусий корхонаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари **О.Жуманов** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани кўйидагилар тўғрисида тузидилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиши, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар Буюртмачини талабномасига асосан ҳар куни Буюртмачида даволанаётган беморларни **Пархез таомлар билан** Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария-гиgiene нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ тъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиши муддати: 2022 йил «29» 08 дан 2022 йил «30» 12 гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибида расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб хисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қўйидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулсадан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва тъмирилаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб килиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар қийматининг 20 фойзи микдорида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб килиш;

2.1.7. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз ҳолга келгандга уларни ўз хисобидан тъмирилаши. Фойдаланган коммунал харажатларни шартномада белгиланган тартибида коплаши.

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишида техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини тъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя килиши;

2.2.5. Шартномани бекор килиш хақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини тъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар сифатли жараённи Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қиласдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида белуп тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишига бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиши) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибида ва муддатда тиббий текширудан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараённига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибида риоя килиш мажбуриятини юклиши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиши бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топшираслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишига топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, тъмирилаши, шунингдек, биноларни тъмирилаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул қилиш-топшириши далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини тъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиши ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини ошириши) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб килиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;

2.3.3. Шартномани бекор килиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишида огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибида тўлаш;

2.3.4. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камиди бир марта Хизматлар ҳакини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишига бериши;

2.4.3. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартномага мувофиқ хизматлар нархи 69500000 Онмили

сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида, кўрсатилган хизматларнинг танарх қийматига аутсорсер томонидан белгиланган 20 фоиз устама фойдани қўшган холдаги хақиқий қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг ҳақиқий қиймати асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий қиймати белгиланган тартибида расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартномада кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кайта кўриб чикилади.

3.6. Аутсорсер томонидан фойдаланилган табиий газ ва электр энергия харажатлари алоҳида ўрнатилган газ ёки электр хисоблаш ускуналари кўрсатичларига қараб тарафлар ўртасида имзоланган далолатномага асосан қопланади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Буюртмачи кўрсатилган хизмат ҳақини тўлашини шартномада белгиланган муддатдан кечикиригандা, кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.3. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуни ҳамда бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш ўйли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш ўйли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомими амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибида иктисадий судга кўриб чикиш учун берилади.

VI. Форс-мажкор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмaganлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгib бўлmas куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшичималар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва Газначилик бўлимida рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажralmas қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигизсиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилик бўлимida рўйхатдан ўтган пайтдан кучга киради ва 1.3-бандда белгиланган муддат давомида ёки муддатидан олдин бекор килингунига қадар амал қилади.

Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

“Буюртмачи”
РИЭИАТМ Жиззах филиали

Манзил: Жиззах шаҳар, Иттифоқ МФЙ 70- ўй
ИНН: 202912685 ОКОНХ 91513
Ш.х/в: 100021860084017073201054005
Ўзб.Р. Молия вазирлиги газначилиги
Х/р: 23402000300100001010




МФО: 00014

О.Х.Мавланов

«АУТСОРСЕР»
THE BEST INDUSTRIAL xусусий
корхонаси

Манзил: Бахмал тумани, Гулбулук ҚФЙ
х/р: 20208000605165603001
Тошкент ш. АТ “Алокабанк” бош оғиси
МФО: 00401
СТИР: 306 829 552



О. Жуманов

М. Ў

Гув-ма № йўлдан берилган

Нуриш холидади